ШАҲРИМИЗДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ 2-бет
ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР ТУҲФАСИ 3-бет
ИШГА МАРҲАМАТ 4-5 бетлар
МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН ҚАЙТИШДИ 8-бет



ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 54 (10.107) / 2004 ЙИЛ 22 МАРТ

## Юртимизда Наврўзи олам!

*Юртимизда Наврўзи олам кезмоқда. Қалбларимизни қувончга тўлдириб дилларимизга баҳорий хуш кайфият улашиб Наврўз айёми тантаналари ҳам бошланди. Ўтган икки кун мобайнида эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садолари ҳамшаҳарларимизни шаҳримиздаги барча сўлим гўшалар — маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар ва майдонларга чорлади. Байрам шодиёналари ҳозирда маҳаллалар, корхона, ташкилот, муассасалар, ўқув даргоҳлари, қўйинчи, шаҳримизнинг барча гўшаларида қизғин давом этмоқда. Наврўз байрами арафасида янада чирой очиб кўркамлашган, гулу чечакларга бурканган заминимиз узра мусаффо осмонимизда порлаган қуёш илиқ нурлари билан еру кўкни нурафшон айлади. Бугун ҳур диёримиз келинчак мисол янада ял-ял яшнади. Ёшу қарининг дилида қувонч. Айниқса дуогўй кексаларимиз қўлларидаги бинафшаю чучмомаларни юз-кўзларига суртиб шундай дорилонмон кунларга етказганига шукроналар айтиб, юртимиз янада тинч ва обод бўлишини ният қилмоқдалар.*

Давоми 2-бетда.





## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида пахтани қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Я-ДЕМ текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Олтинкўл туманидаги Қўштепа қишлоғида 330 савдо ўрнига эга бўлган деҳқон бозори очилди.

● Андижон шаҳрида «Ўзприватбанк» приватизация ва инвестиция бўйича халқаро банкининг «Анелик» халқаро пул кўчириш пункти иш бошлади.

● Хоразм вилояти марказий шифохонасининг диагностика бўлимида Япониянинг «Шимадзу» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган спирални компьютер томографи билан жиҳозланган замонавий лаборатория очилди.

● Жиззах ҳамда Самарқанд вилоятларидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган ёш офицерларнинг жанговарлиги, ҳушёрлигини ошириш масалаларига бағишланган Ватан ҳимоячиларининг слёти бўлиб ўтди.

● Қашқадарёлик ижодкорлар Наврўз байрами арафасида ажойиб туҳфага эга бўлдилар — «Қашвилжамқурилиш» акциядорлик жамияти раҳбарияти «Минчинор» оромгоҳини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ихтиёрига беришга қарор қилди.

● Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида Қоракўл туманидаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан мактабларга 21,31 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

### Жаҳонда

● Грузия Президенти Михаил Саакашвили ва Аджария етакчиси Аслан Абашидзе ўртасида бўлиб ўтган музокаралар муваффақиятли якунланди — Аджарияга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий чоралар бекор қилинди.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан тез орада экспертлар гуруҳи Ироққа жўнатилишини билдирди. Ушбу гуруҳ Ироқда ўтказиладиган сайловларнинг адолатли тарзда ташкил этилишига ёрдам беради.

● Гаитида мамлакатда умумхалқ сайловларини ўтказиш учун шарт-шароитларни яратиши лозим бўлган янги ҳукумат аъзолари қасамёд қабул қилишди.

● Филиппин парламентининг бир гуруҳ депутатлари мамлакат олий судига Филиппин Президенти Глория Макапагель Арройд сайловолди компанияси вақтида ўз ваколатларини бажаришни тўхтатишини сўраб мурожаат қилишди.

● Косовода албанлар ва серблар ўртасида қонли тўқнашувлар яна бошланди. Натижада 31 нафар киши ҳаётдан кўз юмди, 500 дан ортиғи жароҳатланди. НАТО Косоводаги вазиятни бартараф этиш мақсадида 1000 та ҳарбий аскар жўнатди.

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **ТОШКЕНТ** педагогика коллежида бўлиб ўтган тадбир «Ассалом, Наврўзи олам» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** банклар мутахассислари, кредит кенгаши вакиллари иштирокида уюштирилган анжуман кредит берувчи жамиятлар фаолиятида таваккалчилик роли ҳамда кредит беришда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш масалаларига бағишланди. Анжуман қатнашчилари Япониянинг кредит беришдаги иш тажрибалари билан яқиндан таништирилди.

● **ТОШКЕНТ** молия институтида бўлиб ўтган «Оила — меҳр-мурувват кўзгуси» мавзуидаги давра суҳбати Юнусобод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети қошидаги академик лицейда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тарих институти билан ҳамкорликда тарихчи олимлар иштирокида «Ўзбек давлатчилиги тарихи» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 70-мактаб кутубхонасига адабий, бадиий, илмий, сиёсий мавзулардаги янги китоблар келтирилди.

● **«ОРЗУ-ГРАНД»** меҳмонхонасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал-демократик партияси вакилларининг тадбиркорлар билан мулоқоти уюштирилди.

● **«БУНЁДКОР»** ёшлар телеклубида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими, Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғи ҳамкорликларида ташкил этилган илмий-амалий, адабий-мусиқий анжуман «Тошкент ўтмиши» деб номланди.

● **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида миллий халқ амалий санъати фестивали доирасида Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳунармандлари томонидан тайёрланган ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси намойиш этила бошланди. Ушбу кўргазма 8 апрелда якунланади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

# Юртимизда Наврўзи олам!

Давоми. Боши 1-бетда.

Ҳамма-ҳамма ерда байрам шукуҳи. Наврўз нашидасидан завққа тўлган кўнгиллар янгроқ куй-қўшиқлар садоси таралган боғлар, майдонлар ва хиёбонлар сари ошиқмоқдалар. Айниқса, Миллий боғдаги буюк шоиримизнинг улуғвор ҳайкали гўё халқимизга қарата мамнуният билан: «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз!» деяётгандек туюлади. Дошқозонларда қайнаб етилган сумалак ва ҳалимнинг хушбўй ҳиди димоққа урилади. Байрам шодиёналари, шунингдек Халқлар Дўстлиги саройи майдони, «Наврўз» мажмуасининг асосий саҳнаси, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Мустақиллик майдони, Амир Темур хиёбони, Сайилгоҳ, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи, Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театри майдони, Бобур боғи, Талабалар, Авиасозлар шаҳарчаси ва бошқа бир қатор жойларда эрталабдан то кечга қадар халқ сайиллари тарзида ўзгача тантана билан ўтди. Байрам тадбирларида иштирок этган «Ўзбекрақс», «Ўзбекнаво», «Тошкентнаво» бирлашмалари, шунингдек, шаҳримиздаги маданият уйлари, халқ таълими тасарруфидаги қўшимча таълим мажмуаси бадиий жамоалари ва эл севган хонандалар ижросидаги Наврўзни тараннум этувчи дилрабо куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, кулги усталарининг қувноқ, ичакузди аския ва пайровлари байрам тадбирларига ташриф буюрганлар қалбига хуш кайфият ва хушнудлик бахш этди. Шунингдек, байрам шодиёналари куни ҳамшаҳарларимизнинг мазмунли ва кўнгилли дам олишлари учун Тошкент шаҳар савдо департаменти томонидан турли хил ширинликлар, салқин ичимлик ва музқаймоқлар савдоси ташкил этилди. Халқ сайиллари ҳамма ерда шодиёна руҳда ўтди. Ҳар бир қўшиқ ва куйда, ҳар бир чеҳраларда табассум, Наврўз шукуҳи намоён. Айни чоғда кўзларида мамнунлик уфуриб турган ҳамшаҳарларимизнинг дил сўзларига қулоқ тутгинг келади.

**● Музаффар САИДХЎЖАЕВ, меҳнат фахрийси:**

— Истиқлолимиз туфайли шундай муқаддас ва улуғ байрамимиз Наврўз қайта тикланганидан жуда хурсандман. Бу муқаддас миллий байрамимизни халқимиз ҳар йили соғиниб кутади, албатта. Наврўзнинг энг яхши фазилати, бу — инсонларни меҳр-оқибатли, мурувватли бўлишга, эзгулик, яхшиликка чорлашидир. Мен ҳар йили Наврўз байрами куни набираларимни олиб шаҳримизнинг кўркам масканларини сайр қиламан. Илоҳим Наврўзимизнинг умри боқий бўлсин, янада қадри ошсин. Халқимизнинг қалбида эса меҳр булоғи сўнмасин, деб ният қиламан.

Наврўз тантаналари кунларида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатлар вакиллари ҳам шодиёналарда фаол иштирок этишди. Хусусан, пойтахтимиз меҳмонлари янгиланиш байрами ҳақида ўзларининг илиқ фикрларини билдирдилар.

**● Хе СУК,**
***Жанубий кореялик меҳмон:***

— Мен уч йилдан буён Тошкентда истиқомат қилиб келяпман. Ўзбек халқининг байрамлари жуда кўп экан. Айниқса, Наврўз умумхалқ байрами менда жуда катта таассурот қолдирди. Ўзбек халқининг бағри кенглиги, меҳмондўстлиги ва меҳнаткашлигига ҳавасим келди. Наврўз байрами куни одамларнинг қувончи бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатларини кўриб ҳайратда қолдим. Бу шаҳарда меҳмондўст ва оқибатли одамлар билан дўстлашганимдан бошим осмонга етди.

Ҳақиқатан ҳам миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз улуғланган ушбу муборак байрам тантаналари куни ҳамюртларимизнинг қалблари ажиб ҳистуйғуларга, меҳр ва мурувватга чулғанди. Ўзгача ҳикмат ва ҳиммат, ўзгача маъно ва мазмун билан бойиб бораётган бу севимли ва муборак байрамимиз каттаю кичикнинг қалбига бир олам қувонч бахш этмоқда.

Она юртимиз узра янграётган Наврўз садолари доимо дилларимизни мунаввар этсин, қадр-қиммат, саховат ва саодат айёми барчамизга муборак бўлсин.

**Наврўзни қаршилаш**
**қадимдан одат,**
**Йил бўлсин беташвиш,**
**бедард, беофат,**
**Келаверсин фақат нурли**
**саодат,**
**Бизни айирмасин хижрон**
**сиз билан,**
**Ассалом ёронлар, гул**
**Наврўз билан.**

**(Ўз мухбиримиз)**













**СУРАТЛАРДА: шаҳримизда Наврўзи оламга бағишлаб ўтказилган халқ сайилларидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## Оламда нима гап?

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Ҳозирча номаълум бўлган террорчи гуруҳи «Паризьен» газетаси орқали Франция бош вазири Жан Пьеру-Раффаренга таҳдидли хат йўллади. Францияда чоп этиладиган «Монд» газетасида келтирилишича мазкур хат чеченистонлик жангари Мовсар Бараев томонидан юборилган. Унда айтилишича, жангарилар Францияда террорчиликлар амалга оширишни режалаштираётган экан. Мамлакат Адлия вазирлиги мазкур таҳдидни жиддий ўрганмоқда. Ҳозир махсус хизмат ходимларини бир нарса қизиқтиради: террорчилар хатда айтилган хунрезликни амалга оширишга тайёрми ёки йўқ? Мадриддаги террорчиликдан кейин пайдо бўлган бу таҳдид Франция ҳукуматини ташвишга солди.

● АҚШнинг Калифорния техника институти астрономлари Қуёш системаси таркибига ўнинчи сайёра бўлиб кириши мумкин бўлган юлдузни кашф қилишган. Бу юлдуз яқинда фазога учирилган Spitzer телескопи орқали топилган. Ҳозирда у эскимослар денгиз илоҳи Седна номи билан юритилмоқда. Олимларнинг фикрича, Седна Ердан 10 миллиард километр узоқликда жойлашган бўлиб, унинг ҳажми Қуёш системасидаги энг кичик сайёра бўлмиш Плутонга қарийб тенг келиши мумкин экан. Седна ҳам Ер каби Қуёш атрофида ҳаракат қилади. Ҳозирда астрономлар Седнани сайёра деб аташ мумкинми ёки йўқлиги хусусида бош қотиришмоқда.

● Голландия соғлиқни сақлаш вазирлиги саросимага тушиб қолди. 6 фуқаро сил касали билан оғриган. Гап шундаки, қўйилган ташхисдан сўнг улардаги сил вируслари аввалгиларига мутлақо ўхшамаган. Яъни, бу вируслар янги кўринишга эга бўлиб, силга қарши ихтиро қилинган антибиотиклар умуман таъсир қилмаган. Бундай кўринишдаги вируслар Шарқий Европадан кириб келганлиги гумон қилиниб, голландиялик тиббиёт ходимлари аниқ чора-тадбирлар қўллашга киришишган.

● Архангельск вилоятидаги турар жой биноларининг бирида содир бўлган портлаш оқибатида ҳалок бўлганлар сони 41 кишига етган. 9 қаватли уйнинг йўлагида очиқ қолган газнинг портлашидан сўнг бир неча хонадон қулаб тушган ва кучли ёнғин содир бўлган. Етиб келган ўт ўчирувчилар ва қутқарувчилар гуруҳи вайроналар остидан 20 кишини олиб чиқишган. Айни дамда фавқулодда ҳолатлар гуруҳи қулаб тушган бинода қутқарув ишларини олиб боришмоқда.

● Миср армияси ва полицияси Синай ярим оролида «тозалов» тадбирини ўтказиб 458 та наша ва кўкнори майдонларини йўқ қилдилар, деб хабар беради МЕНА агентлиги. 34 тонналан ортиқ оғу уруғи ёндириб юборилди. 23 гектар майдонда экилган наша ва кўкнори даласи ҳарбий авиация ёрдамида топилди. Негаки, у инсон қадами етиши қийин бўлган тоғли ҳудудларда эди.

*Таълим*

## РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ САМАРАСИ

***Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги профессор-ўқитувчилар илмий фаолиятида самарадорликка эришиш мақсадида йўриқнома ишлаб чиқди. Ушбу ҳужжат бўйича амалга оширилган илмий изланишлар рейтинг асосида баҳоланади.***

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаси ҳам эълон қилинди. Рейтинг баҳолаш олий ўқув юртлари факультетлари бўйича ҳам ўтказилди. Механикавий технология, пахта технологияси ва механика, муҳандис-иқтисодчи ва кимёвий технология факультетлари эса юқори балл тўпладилар. Илмий ишлар бўйича энг юқори балл олган профессор-ўқитувчилар номлари ҳам аниқланди.

## МУҲИМ МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

***Тошкент Давлат педагогика университетида иқтидорли талабалар кўп. Олий ўқув юртида амалга оширилаётган муҳим маърифий тадбирлар эса уларни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.***

Университетда истеъдод эгалари бўлган ёшларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш йўлида қатор ибратли ишлар ҳам амалга оширилди. Ўзбек адабиёти мутахассислиги йўналишида таълим олаётган талабалардан Мунис Ўроқова, Зумринисо Козимовалар махсус стипендия соҳиблари бўлишди.

Иқтидорли ёшларнинг илмий салоҳиятини кучайтириш мақсадида улар кафедраларда олиб борилаётган тадқиқотларга жалб этилди. Ҳозир улар 10 дан ортиқ йўналишларда илмий изланишлар билан шуғулланмоқдалар.

## КЕНГ ИМКОНИЯТ ЯРАТИЛДИ

***Тошкент автомобиль ва йўллар коллежининг сиртқи бўлими декани Собитхўжа Мирзахўжаевнинг Германияга қилган сафари самарали бўлди.***

У Германиянинг Манхейм шаҳридаги «ИФБ» автомобилсозлик ва транспорт халқаро малака ошириш институтида бўлиб, шу соҳа йўналиши бўйича яхши тажриба орттирди.

Декан Марказий Осиё мамлакатларидан Германияга келган ягона мутахассис сифатида немис педагоглари эътиборини ўзига тортди. Шу сабабли унга тажриба алмашиш бўйича кенг имконият яратиб берилди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Шаҳрим — фахрим*

# БАРЧАНИ МАФТУН ЭТАДИ

***Пойтахтимизни боғу бўстонга, гулу чаманзорга, яшил либосга буркашда, ҳар йили фусункор баҳор, умрбоқий Наврўз тароватини янада оширишда шаҳримиздаги манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалиги боғбон ва гулчилари — гўзаллик ошуфталарининг ҳиссалари беқиёс бўлади.***



Ушбу беқиёсликни кўкаламзорлаштириш ишлари, баҳор юмушлари давом этаётган, экилган гулу ниҳоллар, яшил майсалар чирой очаётган пойтахт жамолида кўриб кўзларимиз қувнайди, кўнглимиз шодликка тўлади. Уларнинг меҳнати билан етиштириб берилган гул, мевали ва манзарали дарахт, яшил майсалар баҳордан қишгача пойтахтимизга ажиб тароват бағишлаб туради. Бунинг замирида эса, албатта самарали меҳнат, изланиш ётади.

— Хўжалигимиз жамоасининг қиш бўйи қилган баракали меҳнатлари натижасида шаҳримиздаги корхона, ташкилот, муассаса — барча буюртмачиларга эрта баҳордандоқ 20 турдаги мевали ва манзарали дарахт, 30 хил кўп йиллик ва бир йиллик гул кўчатларини етказиб беряпмиз, — дейди хўжалик директори, малакали мутахассис Абдулазиз Муҳримов. — Юртимизга гўзал кўклам ўз сепини ёйиши билан одамлар уйғонади, баҳор кўнгилларни янада гўзалликка, ободликка чорлайди. Бизнинг хўжалигимизда эса қишин-ёзин баҳор ҳукмрон десам, асло муболаға бўлмайди. Қишда иссиқ хоналаримизда ўсаётган ранг-баранг хонаки гуллар, гул кўчатлари, майсаю мурғаккина ниҳоллар дилларимизни яшнатади. Баҳордан бошлаб эса ана шу гўзалликдан барчани баҳраманд этишга киришамиз.

Биз ўз олдимизга гўзал Тошкентимизни боғу бўстонга, гуллар шаҳрига айлантиришга муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг учун 420 нафарлик жамоамиз аҳли ҳар бир ниҳолни меҳр билан парваришлаб, уларнинг турларини кўпайтиришда муваффақиятларга эришмоқда. Бунинг учун хорижий давлатлар билан ҳам ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз. Айниқса, Голландия давлати мутахассислари билан тажриба алмашиб, улардан турфа гул уруғ ва кўчатлари келтиришга муваффақ бўлаяпмиз.

Хўжалик гулчилари бу йил 30 турдаги 3 миллион туп гул кўчатлари етиштиришга аҳд қилишган. Наврўз тараддуди кунларида эса уларнинг маълум қисми кўчаю хиёбонларимизга экилди. Шунингдек, 50 минг тупга яқин манзарали ва мевали дарахтлар етказиб бериш режаланган бўлиб, уларнинг 15 мингтасининг мазаси оғзингизда қоладиган анор,шафтоли, ўрик, беҳи ва бошқа ниҳоллар ташкил этади. Ҳозирги кунгача хўжаликда етиштирилган 10 минг тупдан зиёд игна баргли манзарали дарахтлар шаҳримиз кўча ва хиёбонларини безади.

Кейинги йилларда хўжаликда яшил майса—райгрес ўсимлиги ҳам етиштирилмоқда. Жорий йилда 10 минг квадрат метр райгрес етиштирилган бўлса, байрам тараддуди кунларида унинг ярми майдон ва хиёбонларни яшилликка буркади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Миллий боғидаги саҳна мажмуаси ён-атрофини безатишда экилган баҳорий гуллардан ташқари 20 мингта жамоада етиштирилган турфа қирқилган гуллардан фойдаланилди. Шу ўринда шодиёнага гўзаллик бахшида этаётган гулчию боғбонларнинг номларини айтиш ҳам ўринлидир. Хўжаликнинг кўп йиллик тажрибага эга бўлган Комил Ҳайитов, Маҳфуза Ёқубова, Илдар Бобоназаров, Ғаффор Илҳомов сингари боғбон ҳамда Фарида Мираҳмедова, Нодира Тўлаганова, Саидғани Қосимхўжаев, Раъно Оқназарова каби нозиктаъб гулчилари изланишдан асло чарчашмайди. Уларга шогирд ва ҳамкасблари ҳамиша камарбаста. Уларнинг барчаси Наврўз айёмини ўзига хос совға билан нишонлаганидан беҳад мамнун. Бу мамнунлик эса уларни янада ғайрат кўрсатишга, гўзаллик яратишга ундамоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: хўжаликда етиштирилаётган гуллар гўзаллиги барчани мафтун этади.**

# ШОДИЁНАЛИК БИЛАН НИШОНЛАНДИ

***Яшариш ва янгиланиш, поклик ва озодалик рамзи ҳисобланмиш Наврўз айёми шодиёналари корхонаю ташкилотлар, маҳаллаю маданият масканларида катта шодиёналик, юқори кўтаринкилик билан нишонланмоқда.***





Яккасарой туманидаги «Ўрикзор» маҳалласида ҳам Меҳр ва мурувват йили ҳамда умрбоқий Наврўз байрамига бағишланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Баҳор неъматлари тортилган байрам дастурхонига кекса, табаррук отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, маҳалланинг фаоллари таклиф этилди.

Тадбирда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Адҳам Ғозиев сўзга чиқиб йиғилганларни улуғ айём билан табриклаб, ҳамиша соғ-омон, эзгу ишларда бош-қош бўлиб юришларига тилак билдирди. Ва маҳалланинг янада обод ва сўлим гўшага айланиши, Меҳр ва мурувват йилида хайр-саховат ишларига яна ҳам кўпроқ эътибор қаратилишини алоҳида таъкидлади.

Байрам тадбирига йиғилган меҳмонлар учун баҳорнинг тансиқ таоми — сумалак, кўк сомсаю чучваралар тортилди. Айниқса, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри артистлари — Меҳри Бекжонова, Турғун Бекназаров, Дилором Сафоева ва Мақсуда Отажонова, Умиджон Шодмонов, Собиржон Бекжоновлар ижросида янграган шўх куй ва қўшиқлар барчани рақсга чорлаб, кўнгилларга қувонч шодлик улашди.

— Маҳалламиз аҳли тотув ва иноқликда яшаб, яхши-ёмон кунларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади, барча байрамлар мана шундай чиройли нишонланади, — дейди «Ўрикзор» маҳалласи хотин-қизлар комиссиясининг раиси Фарида Шарипова. — Ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар ҳолидан имкон борича хабар олиб, моддий ва маънавий томондан қўллаб келмоқдамиз.

— Халқимизнинг энг ардоқли ва эъзозли байрамларида хизматда бўлишнинг ўзи мароқли, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳри Бекжонова. — Театримиз жамоаси маҳаллалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. «Ўрикзор», «Ракат», Абдулла Авлоний маҳаллаларини ўз оталиғимизга олганмиз, доимо улар билан ижодий учрашувлар ўтказиб турамиз.

Наврўз — меҳр-оқибат, эзгулик байрами. Шунинг учун ҳам байрам тадбирида маҳалладаги ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди, коммунал тўловлари учун маблағ ажратилди. Куй-қўшиққа, рақсга уланди. Кўнгиллар кўтарилди, нуроний онахонлар қўллари эса хонадонларимизнинг обод бўлиши, юртимизга қут-барака ёғилиши, Наврўз айёми барчамизга шодлигу қувонч олиб келиши йўлида дуога очилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## САЙЁҲЛИК МУТАХАССИСЛАРИ ЎҚУВИ

***Шу йилнинг 23-27 март кунлари Тошентда туризм коллежларининг ўқитувчилари учун тренинг ўтказилади. Тадбир Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Британия кенгаши (British Council)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва «Le Meridien Tashkent palace» отели томонидан ташкил этилди.***

— Тренинг инглиз тилини амалий қўллашни кўзда тутади, — деди Британия кенгашининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича ассистенти Олег Абдурашитов "Туркистон-пресс" мухбирига. — Бундан ташқари, ўзбек ўқитувчилари касбий маҳоратларини оширишади.

Тренингни Британия кенгаши таклиф этган канадалик икки мутахассис—Пентес ва Руби Рубрехлар ўтказмоқда. Улар Режин шаҳридаги лингвистик марказнинг эгалари саналади. Ўзбек ўқитувчилари талабаларнинг тил ўрганиш ва ўқув дастурлари тузиш юзасидан саволларига жавоб олишади. Улар шунингдек, машғулотлар ўтказишда амалий материаллардан фойдаланишни ҳам ўрганади. Ўқитувчилар меҳмонхона ходимларининг реал тил эҳтиёжлари қандайлигини ўрганиш ва отел ходимларига инглиз тили нақадар зарурлигини билиш учун «Le Meridien Tashkent palace» отелининг иш фаолиятини ҳам кузатишади.

Бу Британия кенгашининг Ўзбекистондаги янги лойиҳаси бўлиб, у сайёҳлик коллежларида инглиз тили ўқитиш стандартларини яхшилашни ўз олдига қўяди. Шу боисдан у Ўзбекистон иқтисодиётида туризм аҳамиятини ўстиришда яна бир қадам бўлади.

**А.АРСЛОНОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

*Мусоҳаба*

# НИЯТИМИЗ — АҲОЛИГА СУЯНЧ БЎЛИШ

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Ҳамза тумани меҳнат бўлимида бўлиб, унинг тажрибали, ишчан раҳбари Абдураҳмон КОМИЛОВ билан ходимларнинг олиб бораётган ишлари, мавжуд ютуқ ва муаммолар хусусида суҳбатлашдик.***

— Бизнинг асосий вазифамиз туманимиздаги иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш, қайта ўқитиш,— дейди меҳнат бўлими раҳбари. — Жумладан, ўзини-ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларда икки ёшгача ва ўн саккиз ёшгача нафақа олувчиларга ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенгма-тенг рақобатта кириша олмайдиган қисми: ёшлар, кўп болали ва ногирон фарзанди бўлган оналар, ногиронлар, мактаб, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларининг битирувчилари, жазони ўташ жойларидан бўшаб келган фуқароларга ёрдам кўрсатиш меҳнат бўлими ходимлари амалга ошириладиган ишлар сирасига киради.

Фаолиятимизни Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Адлия вазирлигида тасдиқланган «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури» ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан берилган йўналишлар бўйича ташкиллаштирганмиз.

Туманимизда мавжуд «Бир маротабалик вақтинчалик иш билан таъминлаш маркази» ҳам фуқароларга қулайлик яратиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шартномалар асосида ишга йўллаш масалаларини кўриб чиқиб, тубдан яхшилашни режалаштирган.

Бундан ташқари, амнистия бўйича жазони ўташ жойларидан қайтган 79 нафар фуқаролар билан маҳаллаларда қатъий жадвал асосида учрашувлар ўтказилиб, уларнинг ижтимоий, иқтисодий муаммолари ҳал қилинмоқда.

Февраль ойининг охирларида меҳнат бўлими ташаббуси билан тумандаги 200 га яқин йирик саноат, транспорт, қурилиш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ташкилотларининг малакали мутахассислари иштирокида 2 кунлик ўқув-семинари ўтказилди.

Ундан кўзланган мақсад қонун талаблари бажарилишини таъминлашдир. Яъни, меҳнат бўлимига мавжуд бўш иш жойлари тўғрисидаги маълумотларни вақтида тақдим этиш, ишга жойлаштириш учун йўлланган фуқароларни ўз мутахассислиги ва малакасига кўра иш жойларига қабул қилиш, квотали иш жойларини ташкил этиш каби кўплаб долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Туманимизда ўтган йили турли йўналишларда фаолият кўрсатувчи корхона-ташкилотларда 3289 та янги иш жойлари ташкил этилди. Жумладан, «Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш» жамғармаси ҳисобидан 38 та иш жойлари яратилди.

Жорий йилда меҳнат бўлими томонидан 11 та «Бўш иш жойлари ва вакант ўринлари» меҳнат ярмаркалари ўтказиш режаланган. Улардан асосийлари маҳаллалар ҳудудларида 8-10 та маҳаллалар аҳолиси иштирокида ўтказилади. Иш билан банд бўлмаган фуқароларга қулайлик яратиш билан бирга, улар билан маҳаллалар меҳнат нозирлари алоҳида шуғулланишлари учун шароит ҳам туғилади.

Ўтган йили ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 257 нафар банд бўлмаган фуқаролар иш билан таъминланди, шу билан бирга, 168 нафар киши турли касбларга ўқитиш ва қайта ўқитиш учун ўқув марказига йўлланма олдилар. Жумладан, кўплаб фуқароларимиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

Машаққатсиз ҳеч бир натижага эришиб бўлмаганидек, меҳнат бўлимимиз ходимларининг фаолликлари, меҳнатсевар, ўз ишининг усталари эканликларини эътироф этмоқ жоиз деб ҳисоблайман. Ижтимоий ҳимоя қилиш гуруҳининг тажрибали, ишчан бошлиғи Машҳура Тўхтаева, малакали бош ҳисобчи Светлана Малотягина, ишга жойлаштириш, касбга йўллаш, қайта ўқитиш шўъбаси мудири вазифасини бажарувчи ширинсухан Рухсора Сапаевалар жамоадошларига доимо ўрнаклар. Жумладан, Зулфия Раҳматуллаева бошчилигидаги ўзини-ўзи бошқариш органларига бириктирилган меҳнат нозирлари гуруҳидаги Лиля Валиева, Гулчеҳра Абдуллаевалар фаол ходимлардан саналади.

Меҳр ва мурувват йилида ҳам меҳнат бўлимимиз ходимлари маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорликни давом эттириб ўтказиладиган тадбирларни биргаликда ташкиллаштиришни режалаштирганмиз. Аҳолига эса том маънода суянч бўлсак деган эзгу ниятда меҳнат қилмоқдамиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Дилдаги гаплар*

***Ҳаёт жуда қизиқ ва мураккаб. Ёшлигинг зум ўтмай ўтади-кетади. Буни англагунингча болалигинг ширин хотиралар уйғотади, ўзинг эса оқ-қорани танийдиган, унча-бунчанинг фарқига борадиган бўлиб қоларкансан.***

# КАСБИНИ УЛУҒЛАЁТГАНЛАР ЁКИ...

Мактабда ўқиб юрган пайтларимда ойим қаттиқ бетоб бўлиб қолгандилар. Ўшанда мен шифокор ёки ҳамшира бўламан, деб ният қилганман. Орадан йиллар ўтиб, мактабни битиргач Боровский номидаги тиббиёт билим юртига ҳамширалик иши факультетига ҳужжатларимни топширдим ва ўқишга кирдим. Жуда ҳам қизиққанлигим учун фақат аълога ўқидим. Ўқиш давомида малакали устозларимдан олган билимим ҳамда амалий машғулотлар туфайли — аёллар маслаҳатхонасида иш бошладим, ҳозир ҳам ўша жойда меҳнат қиляпман.

Бугунги кунда ишга келаётган ҳамшира қизларга ҳайрон қоласан киши. Минг таассуфки, ишига лоқайд, номига келиб-кетиш пайида, қулоқларига насиҳат ҳам кирмайди. Энг ёмони, тажрибаларини оширишни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмас. Наргиза исмли ҳамширамиз ишлаётганига эндигина бир ойдан ошди. Жуда куйди-пишди, очиқ чеҳрали, энг асосийси эса ўта қизиқувчан қиз. Бирор бўлимда ҳамшира ишга чиқмай қолса, ўшани алмаштиришга ўзи ташаббус кўрсатади. Шифокорларнинг ишларини диққат билан кузатиб, саволга тутади, тиббиётга оид китоблар ўқиб, ўзича мулоҳаза юритади.

Менимча кишида қизиқиш бўлмаса, бирор касбга ўқишдан ҳам наф йўқ. Лекин ўқишни битириб, айниқса, тиббиёт соҳасида ишлаётган ёшлар лоқайд, беморга беписанд муомалада бўлсалар, кечирилмас ҳолга олиб келиши мумкин.

**Нафиса УМАРОВА, 36-поликлиника ҳамшираси.**

# ИШГА МАРҲАМАТ!

*Тадбирлар*

# «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» КУНИ

**Куни кеча Яккасарой туманида жойлашган Тошкент енгил саноат касб-ҳунар коллежида «Очиқ эшиклар» куни ўтказилди. Унга шаҳримиздаги барча мактаблардан 300 нафарга яқин ўқувчи ва кўплаб ўқитувчилар таклиф этилди.**

—Коллежимиз ўқитувчилари жамоаси ва ўқувчилар жонбозлиги туфайли бундай тадбирларни ўтказиш анъанага айланган, — дейди ўқув маскани директори Софья Назарова. — Бундан кўзланган мақсад келажагимиз давомчилари бўлган ёшларимизни ўз иқтидорлари, қизиқишларига кўра касб танлашлари ҳамда шу соҳада етук мутахассис бўлиб етишишлари учун доимо янгиликка интилиб, билим-маҳоратларини ошириб боришларига кўмаклашишдир. Шу билан бирга, ўзларига нисбатан талабчан бўлсаларгина меҳнатлари туфайли эл-юртга танилиши, обрў-эътибор ҳамда эҳтиромга сазовор бўлишларини тушунтиришдир.

Тадбирда Яккасарой туман «Оила ва аёл» маркази раҳбари Раҳима Абдуғаниева, «Конституция» маҳалласи фаоли, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, меҳнат фахрийси Нафиса ая Қодирова, мактаблар ўқитувчилари касб-ҳунар эгаллашнинг сир-асрорлари, ёшлар одоби, маданияти ҳақида тўхталдилар.

Мазкур тадбирда коллежнинг 2-3 босқич ўқувчилари — «Шарқ гўзали» модалар театри қатнашчилари ўзларининг ижодий маҳсулотлари — мавсумий либослар кўргазмали чиқишини намойиш қилдилар. Бу либослар бир-биридан чиройли, кўркам ҳамда замонавийлик анъанавий услублар билан уйғунлашган ҳолда нозик дид билан тикилганлиги учун барчани ўзига мафтун этди.

Шунингдек, «Техник ижодиёт» тўгараги қатнашчилари: 1-босқич ўқувчи-қизларнинг кўргазмаси ҳам ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. Кўргазмага тўгарак аъзоларининг энг сара ишлари: бежирим, рангли юмшоқ ўйинчоқлар, момо-ю, бувижонларимиздан мерос қолган гўзал зардўзлик буюмлари, турли хил ва шаклдаги ёстиқчалар каби кўплаб ижод намуналари қўйилган. Уларни иштирокчилар ҳамда нуфузли ҳайъат аъзолари мамнуният билан томоша қилдилар ва тегишли баҳо бердилар.

Тадбир сўнгида фахрий ўрин соҳиблари эълон қилиниб, уларга пул мукофотлари топширилди. Коллежнинг «Ором» миллий рақс гуруҳи қизлари гўзал рақслари билан тадбирга ўзгача шукуҳ ва файз бағишлашди.

Мазкур коллежда бу йил 85 нафар қизлар тикув ишлаб чиқариши устаси йўналиши бўйича ўқишни тугатадилар. Улар орасидан 4 нафар аълочи, жамоатчи ўқувчилар устозлари билан елкама-елка туриб, тикувчилик ишлаб чиқариш устаси бўлиб ишлашлари учун коллежда олиб қолинади.

Бу каби тадбирларнинг битирувчиларнинг бирон-бир касб-ҳунарни танлашида, гўзаликка интилишида, умуман ҳаётда ўз ўрнини топишида аҳамияти катта, албатта.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

*Келажагимиз ворислари*

# НАФОСАТ ЭГАЛАРИ ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

***Ўзбек тасвирий ва амалий санъатининг XXI асрдаги ривожи ҳақида гап борганда, бевосита истеъдодли ёшларимиз интилишлари мустаҳкам билим билан чамбарчас боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. 86 йиллик фаолияти давомида Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Республика рассомлик коллежи нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда тасвирий ва амалий санъат бешиги вазифасини ўтаб келмоқда...***





Мазкур коллежининг бугунги кундаги шон-шуҳрати, унинг мустаҳкам шаклланган ўқитиш услубиёти асослари, дастурлари ва қолаверса, ҳозирги кундаги тенги ва такрори йўқ «Беньков мактаби» осонлик билан пайдо бўлгани йўқ. Бу жуда узоқ — қийинчиликлар ва хатолар, қувонч ва ташвишлар, ютуқ ва чекинишларга тўла изланишлар орқали босиб ўтилган узоқ йиллик машаққатли, аммо шарафли ойдин йўллар мевасидир.

П.Беньков номидаги республика рассомлик билим юрти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йилдаги «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил «Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Республика рассомлик коллежи сифатида қайта ташкил этилди.

— Нуфузли нафосат масканимизда, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, коллеж директори Ғулом Йўлдошев, — иқтидорли ёшлардан етук ижодкорлар тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ҳар бир мутахассислик учун хоналар, устахоналар, аудиториялар ҳамда лабораториялар махсус жиҳозланган бўлиб, дастгоҳ ва керакли ўқув қурол-анжомлари билан таъминланган. Асосийси эса коллежимизда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари, 30-40 йиллик тажрибага эга моҳир педагоглар, рассомлар ёшларга сабоқ бермоқдалар.

Билим масканига 9-синфни битирган ёшлар танлаган соҳалари бўйича ижодий имтиҳон ва тест синовлари асосида ўқишга қабул қилинадилар. Бугунги кунда коллежда 600 нафардан ортиқ иқтидорли ёшларга 14 та мутахассисликлар бўйича юртимиздаги таниқли санъаткорлар, моҳир, етук усталар сабоқ берадилар.

Коллеж жамоасида 40 йилдан ортиқ меҳнат қилаётган «Шуҳрат» ордени соҳиби, ёғоч ўймакорлиги устаси Тўхтамурод Содиқов, 35 йилдан буён ёшларга таълим бераётган моҳир педагог — Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий аъзоси Ортиқ Файзуллаевларнинг ўрни беқиёс.

Шунингдек, умумтаълим фанлари муаллимлари, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган театр саҳна безаги рассоми Светлана Маматказина, тажрибали дизайнчилар — Носир Султонов, Анатолий Чибисов, уста ҳайкалтарош Анвар Аҳмедовлар жамоадошларига ибрат бўлмоқдалар ҳамда ўқувчиларга мутахассисликларини пухта эгаллашларида ўзларининг меҳнатсеварлик касб-корларини нақадар улуғлашлари каби хислатларини амалда исботлаб келмоқдалар.

Билим юртининг жаҳон ва миллий санъатга оид 18 мингдан ортиқ қимматбаҳо альбом ва нодир китобларга эга бой кутубхонаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тасаррруфидаги энг яхши кутубхоналардан бири ҳисобланади. Замонавий жиҳозланган катта спорт залида махсус спорт анжомлари, тренажерлар ўрнатилганлиги ёшларнинг жисмоний ривожланиши учун етарли шарт-шароитлар яратилганидан далолат. Шунингдек, махсус жиҳозланган ошхона ўқувчиларнинг ижодий ишлари билан безакланган бўлиб, у ёшлар ҳамда билим юрти жамоаси хизматида.

Бугунги кунда коллежда рангтасвир, дизайн, бадиий безаш, ҳайкалтарошлик, керамика, бадиий нақш, ёғоч ва суяк ўймакорлиги, лок миниатюраси, саҳна безаш, бадиий грим, бутафория, бадиий либос, таъмирлаш мутахассислари бўйича етук кадрлар тайёрланмоқда.

Жорий йилда коллежни 300 нафарга яқин ёшлар битирадилар. Улар орасидан мамлакатимизнинг XX аср тасвирий санъати хазинасига муносиб ҳисса қўшган Павел Беньков, Абдулҳақ Абдуллаев, Малик Набиев, Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориев, Қутлуғ Башаров, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Эдуард Қалантаров ва бошқа юзлаб эл таниган рассомларнинг ижодий таржимаи ҳоли республика рассомлик коллежи тарихи билан ҳамқадамлигини ҳисобга олиб, XXI асрда ёш авлод буни тўғри англаган ҳолда уларнинг муносиб давомчиларига айланишларига ҳеч шубҳа йўқ.

**Муяссар АБДУРАСУЛОВА**

**СУРАТЛАРДА: ҳунармандчиликнинг заҳмати оғирлигига қарамай, илҳомбахшлиги истеъдодли ёшларимизни доимо изланишга, янгиликка чорлайди.**



# ЁШЛАР МАЛАКА ОШИРИШМОҚДА

***«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг ўқув-машқ маркази фаолияти давомида авиация мутахассисларини тайёрлашнинг юксак даражасини сақлаб қолди. Бугунги кунда марказда тўлиқ таълим жараёни амалга оширилиб, назарий жиҳатдан, тренажёр ва парвоз тайёргарлигини ўзида мужассамлаштирган. Айниқса, турли йўналишларда малакали мутахассислар тайёрлашда ёшларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Зиё масканида инглиз тилидаги дастурлар турли хил бўлиб, оғзаки сўзлашиш 2,5 ойлик, 1 ойлик ҳамда тўлиқ 6 ойлик бошланғич тайёргарликдан ташкил топган. Мутахассислар хорижий йўловчилар билан суҳбатлашаётганда уларга инглиз тилида бемалол тўғри кўрсатма ва таклифларни тушунтира олиши лозим ва бунинг учун эса улардан инглиз тилини мукаммал ўзлаштиришлари талаб этилади. Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, марказда таълим олаётган ёшларга келажакда яхши мутахассис сифатида фаолият юритишлари учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиб, мукаммал билим беришга ҳаракат қилинади. Бундан ташқари, учувчи-командирлар ҳам мунтазам равишда бу ерда малакаларини оширади, иккинчи учувчилар бўлса, дастлабки малакавий машғулотларни ўташади.

Бир сўз билан айтганда, одамлар учувчи бўлиб туғилмайдилар, балки учувчи бўлиб етишадилар. Авиаторларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириб бориш жараёни, уларнинг бутун парвоз фаолияти давомийлиги ўқув-машқ марказида давом этади. Англаганингиздек, бугунги қаҳрамонларимиз иккинчи учувчилар, ёш, шижоатли мутахассислар Мурод Ҳусанов ва Жалолиддин Пайзиевлар ҳам дастлабки малакавий машғулотларни ўтган ойда якунига етказиб, командирликка тайёргарлик кўришмоқда.

— Менга билим бераётган устозларимдан учувчи-йўриқчи Валерий Сафонов ва ҳозирда мени командирликка тайёрлаётган Тимур Аблаевлар, шунингдек марказда инглиз тилидан сабоқ бераётган устозларим Галина Некрасова, Элмира Нафисова, Лариса Брагина ва бошқалардан беҳад миннатдорман, — дейди Жалолиддин Пайзиев. — Учувчилик касбини отам Заҳриддин Пайзиевга ҳавас қилиб танлаганман. Улар фаолиятларини Ан-2 лайнеридан бошлаб, Ил-86, Ил-62, аэробусларини ҳам бошқардилар, учувчилар мажмуасига раҳбарлик қилганлар. Ҳозирда эса нафақадалар.

— Мен ҳам Жалолиддинга ўхшаб отамга ҳавас қилиб, шу соҳани танлаганман, — дейди Мурод Ҳусанов. — Ўқув-машқ марказида ёш мутахассислар ҳар 150 соат дарслардан сўнг махсус комиссия назоратидан ўтиб туришади ва инглиз тилини ўзлаштира олмаганлар дарслардан четлатилади, лекин бундай ҳол ҳали учрамаган. Устозларим учувчи-командирлар Виктор Зарубин, Сергей Смирнов ва мени командирликка тайёрлаётган Алексей Семеновлардан беҳад миннатдорман. Келгуси фаолиятимиз давомида ҳам уларнинг бизга бўлган ишончларини оқлаб, малакали мутахассислар бўлишга ҳаракат қиламиз. Ўқув-машқ марказида мутахассисларга ҳар томонлама талабларга жавоб берадиган даражада билим беришда тажрибали устозларнинг ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг раҳбариятининг ёшларга қилаётган ғамхўрлиги беқиёсдир. Зеро, келажагимиз бўлган ёшларга эътибор, келгусида фаровон ҳаёт кечиришимизнинг асосидир.

**Рисолат РАҲМОНОВА**

*Спорт*

## «ТРАКТОР» ТАРКИБИДА ЎЗГАРИШ

***Ўтган йилги футбол мавсумида аранг ўн тўртинчи ўринни эгаллаб мухлисларини бироз ранжитган «Трактор» жамоаси таркиби сербиялик легионерлар билан кучайтирилди.***

Эндиликда Сербия мамлакатидан келган уч нафар футболчи — ҳимоячи Мелько Йокимович, ярим ҳимоячи Владида Чурнин ҳамда ҳужумчи Милан Прийовичлар «Трактор» жамоаси шарафини ҳимоя қилишади.

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Яқинда шаҳримизда 8-17 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида у-шу бўйича Тошкент шаҳар очиқ чемпионати мусобақалари уюштирилди. Унда шаҳримизнинг барча туманларидан ташриф буюрган ёш спортчилар ғолибликни қўлга киритиш мақсадида ўзаро беллашишди.***

Турли вазн тоифасида қизиқарли, муросасиз кечган беллашувлар мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Чемпионат якунида ғолиб ва совриндорлар аниқланиб ташкилотчилар таъсис этган совринлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Шуниси қувонарлики, совринли ўринларни қўлга киритган ёш спортчилар энди мамлакат чемпионатида ўз омадларини синаб кўришади.

## ҲАМШАҲРИМИЗ — МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ

***Шаҳримизда велопойга бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.***

Ушбу баҳсларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган ёш спортчилар иштирок этишди. Ёшлар баҳсларида сирдарёлик Владимир Тўйчиевга тенг келадиган рақиб топилмаган бўлса, 1988-1989 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда ҳамшаҳримиз Темур Муҳамедов чаққон, эпчил ҳаракат қилиб маррага рақибларидан аввал биринчи бўлиб етиб келди ва Ўзбекистон чемпиони номини қўлга киритди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси маъмурияти шаҳар Онкология диспансери бош шифокори Ғолиб Абдуллаевга онаси **ХАЙРИНИСО** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Каратэ*

# МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИБ ҚАЙТИШДИ



**Каратэчиларимиз Америкада бўлиб ўтган «Атланта-2004» кубоги мусобақаларидан қайтиб келишди. Болалар ўртасида Америкада бўлган ушбу нуфузли мусобақада Германия, Россия, Канада, Миср каби давлатлардан 300 нафар ёш каратэчи иштирок этди.**

Шоҳруҳ Сафаров, Ферузбек Тўраев, Асамжон Икромов, Рустамжон Рўзиев, Наргиза Тоштемирова, Аъзамжон Мирзаҳмедов каби ёш спортчиларимиз маҳорат кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллашди.

Умумжамоа ҳисобида вакилларимиз иккинчи ўринга сазовор бўлди.

**СУРАТЛАРДА: олтин медаль соҳиби Асамжон Икромов; аэропортда кутиб олиш маросимидан лавҳалар.**





*Футбол*

## «ПАХТАКОР» ҲАМОН ОЛДИНДА

**ЎТГАН КУНИ** ўтказилган мамлакат XIII миллий чемпионатининг 4-тур баҳслари пойтахтнинг бош жамоаси «Пахтакор»га яна муҳим уч очкони ҳадя этди.

Ўз майдонида Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоаси билан куч синашган пахтакорчилар дастлаб ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборишди. Гол муаллифи Алишер Холиқов бўлди. Ана шундан сўнг ҳужумкорликни кучайтирган тошкентликлар рақиблар дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятларни содир эта бошлашди. Аввалига Гочкулиев ҳисобни тенглаштирди. Иккинчи бўлимнинг 10-дақиқасида эса пахтакор ҳужумини қайтараман деб ҳимоячи Музаффар Холиқов ўз дарвозасини нишонга олди. Учрашув якунлангунга қадар яна Гочкулиев (пенальти)дан ҳамда Солиев томонидан киритилган 2 та тўп «Пахтакор»га 4:1 ҳисобидаги ғалабани туҳфа этди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди. «Андижон»—«Насаф» 1:2, «Машъал»—«Самарқанд-Динамо»—3:0, «Металлург»—«Сўғдиёна»—1:2, «Сурхон»—«Бухоро»—1:1, «Нефтчи»—«Навбаҳор»— 0:3.

**БУГУН** ўтадиган «Локомотив»— «Трактор» учрашуви билан 4-тур баҳслари ниҳоясига етади.

Навбатдаги 5-тур учрашувлари 10 апрелда бўлиб ўтади.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

## *НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?*

**22-28 мартда**

**Бугун** — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида С.Сирожиддинов асари «Осмоннинг бағри кенг» спектакли соат 18.00 да бошланади.

● Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Ўзбекфильм» маҳсулоти «Осмондаги болалар-2» бадиий фильми соат 11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00 да намойиш этилади.

**23 мартда**

● Ўзбек Миллий академик драма театрида У.Азим асари «Бир қадам йўл» спектакли соат 18.00 да бошланади.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида «Тўмарис» балети соат 18.00 да намойиш этилади.

**24 мартда**

● Тошкент Давлат мусиқали комедия (оперетта) театрида Меҳр ва мурувват йилига бағишланган «Сеҳрли хурмо» мусиқали эртак спектакли соат 11.00 да бошланади.

● Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрида «Алвон гул» спектакли соат 13.00 да намойиш қилинади.

● Республика Қўғирчоқ театрида «Ассалом, Наврўз!» спектакли соат 11.00, 12.00 да бошланади.

**25 мартда**

● Халқлар Дўстлиги саройида хушовоз хонанда Азиза Ниёзметованинг «Рашк этасиз, азизим» деб номланган янги концерт дастури соат 19.00 да бошланади.

● Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Т.Минуллин асари «Дилафрўзга тўрт ошиқ» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

● Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида Хитой халқ эртаги «Сеҳрли дур» спектакли соат 11.00 да бошланади.

**26 мартда**

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Э.Хушвақтов асари «Чимилдиқ» 500-спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

**27 мартда**

● Халқлар Дўстлиги саройида «Тарона-2004» тақдимот концерти соат 19.00 да бошланади.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида «Доктор войжоним» балети соат 12.00 да намойиш қилинади.

**28 мартда**

● Ўзбекистон ёшлари театрида «Қабоҳат тузоғи — XXI» спектакли соат 15.00 да бошланади.

● Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида «Додагинам» спектакли соат 17.00 да намойиш этилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДИҚҚАТ!

***«Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ қўшма корхонаси тозаланган ҳидсизлантирилган кокос (ГОСТ 10766), пальма (мувофиқлик сертификатига асосан) ва кунгабоқар (ГОСТ 1129) ёғларини харид қилиш мақсадида***

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Етказиб бериш шартлари: DAF — Ўзбекистон чегараси (Чингелди темир йўл бекати) ёки CIP — Тошкент «Инкотермс-2000» асосида.

Харид қилиш миқдори — 1000 тоннагача.

Таклиф бериш муддати — 2004 йил 1 апрелгача.

Таклифлар ёпиқ конверт ҳолида «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ қўшма корхонаси девонхонасига қуйидаги манзил бўйича етказиб берилади: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 47.

Тел: 191-69-04; 96-57-02; 96-48-21.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 5252 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-407. 1 3456